



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 200 (10.003)

2003 ЙИЛ 14 ОКТЯБРЬ

## ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни Янгиликлар, воқеалар

### ҚИСҚА сатрларда

● **БУГУН** «Умид» касб-хунар коллежида «Зулфия-хоним қизлари» танловининг Собир Раҳимов тумани бўйича саралаш босқичи бўлиб ўтди.

● **ТОШКЕНТ** шаҳар ҳокимлиги томонидан «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши ҳамда Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти ҳамкорлигида мактаб ўқувчилари учун гигиеник-гимнастика машқлари акс эттирилган плакатлар ишлаб чиқилди. БУГУН «Бунёдкор» ёшлар телеклубида мазкур лойиҳанинг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

● **ХАЛҚАРО** бизнес марказида болаларни овқатлантиришнинг самарали усуллари бағишлаб ўтказилган тадбирда жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок эттишти.

● «**ОИЛА** ва никоҳ» марказида турмуш қуриш арасида турган ёшлар учун навбатдаги машғулотлар ўтказилди.

● **АБУ** Райхон Беруний номи кутубхонада кутубхоначилар иштирокида ташкиллаштирилган кўрик-танлов «Маҳалла — бизнинг оила» деб номланди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

### ИҚТИСОДИЁТ

Истиклол йилларида давлатимиз томонидан тадбиркор ва ишбилармон ҳамюртларимизга яратилган кенг имкониятлар ва қулай шарт-шароитлар хорижликларнинг ҳам иқтисодиётимизга қизиқиши ортишига туртки бўлмоқда. Шу сабабли йилдан йилга пойтахтимизда қўшма корхоналар сони ортиб, уларнинг сафи кенгаймоқда.

## ХОРИЖДА ҲАМ ТАЛАБ КАТТА

Ўтган йили фаолиятини бошлаган «Асклепий свифт» Ўзбекистон — Британия қўшма корхонаси ишчи-хизматчилари аҳоли учун жуда зарур ҳисобланган тиббиёт маҳсулоти — гигиеник пахталар ишлаб чиқармоқдалар. Бугунги кунга келиб асосан ёшлардан иборат бўлган қўшма корхона жамоаси ғайрат-шижоати туфайли бир ойда 40 тонна тайёр сифатли маҳсулотлар миқозларга етказиб берилмоқда.

Мазкур гигиеник пахталар ҳар хил ҳажмда чиройли қадоқланиб юртимиз вилоят-

ларига жўнатилмоқда, шунингдек, катта миқдорда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларига ҳам экспорт қилинмоқда. Оз фурсатда корхона ахлининг бундай ютуқларга эришишида унинг цехларига ўрнатилган хорижий технологияларнинг ўрни бекиб. Жумладан, бу ерда самарали фаолият олиб бораётган тажиба лабораториясининг малакали ходимлари меҳнати алоҳида таҳсинга лойиқдир.

«Интиланга толе ёр» деб халқимиз беҳиз айтмайди. Мазкур корхона тадбиркорла-

ри ҳам аниқ мақсадларни қўзлаган ҳолда тинмай изланмоқдалар. Ўзимизнинг хом ашёдан нафақат ички бозоримизни тўлдириш, балки экспорт ҳажмини янада ошириш йўлида бор имкониятларини ишга солмоқдалар.

Мухаббат  
ХАБИБУЛЛАЕВА

**СУРАТДА:** қўшма корхонанинг малакали оператор-прессловчиси Мухайё Шофайзиева ўз меҳнати билан ёшларга ўрнатилган.

Раҳмон Акбаралиев  
олган сурат

## ЯНГИ ЛУФАТ

Иқтисодий тадқиқотлар маркази томонидан иқтисодий таълим ва ривожланиш соҳасидаги лойиҳа доирасида «Иқтисодий атамаларнинг ўзбек, рус ва инглиз тилидаги луфати» чоп этилди. Ушбу луфатни тайёрлашга иқтисод ва филология соҳасидаги таниқли мутахассислар жалб этилди.

Луфат кўп ишлатиладиган 5 мингга яқин иқтисодий атама ҳамда иборани ўз ичига олган. Мазкур иқтисодий луфатнинг ўзига хос томони шундаки, ўзбек тилидаги сўз ва иборалар кирилл ҳамда лотин алифбосида берилган. Ушбу лойиҳадан кўзланган мақсад замонавий иқтисодий атамаларни тўлиқ ифодалашдан иборат.

Мазкур нашр иқтисодиётнинг турли жаҳаларида ишлатилган мутахассислар, шу жумладан ташқи савдо соҳаси ходимлари, иқтисодий олий ўқув юртлири ва факультетлари ўқитувчилари, талабалари, тадбиркорлар ҳамда таржимонлар учун мўлжалланган.

## БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Тошкент педиатрия тиббиёт институтида «Болалар гастроэнтерологияси: бугун ва келажак» мавзuida халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз тиббиёт ходимлари, шунингдек, АҚШ ва Швейцариядан келган олимлар иштирок этди.

Анжуманда мамлакатимизда болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, улар ўртасида касалланиш ва ўлим кўрсаткичини камайтириш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Анжуман қатнашчилари болалар орасида тарқалган ошқозон-

ичак касалликларининг миқёси, уларнинг кечилишидаги айрим хусусиятлар, шунингдек, вирусли гепатитни вакцинация йўли билан камайтириш масалалари ҳақида фикр алмашди, замонавий таъшиш усуллари билан танишди.

ЎЗА

## XXI саҳоси ХАБРИ

Барча малабалардан  
олingan султги хабарлар

### Мамлакатимизда

● **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ** «2003 йил ҳосили ПАХТА ХОМ АШЁСИНИ САКЛАШНИ ТАЪМИНЛАШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА» ҚАРОР қабул қилди.

● Ўзбекистон Давлат консерваториясида америкалик мусикачилар — Адам Клиппл квартетининг жаз концерти бўлиб ўтди. Бу жаз ижрочиларининг «Жаз вакиллари» дастури доирасида мамлакатимизга иккинчи ташрифиди.

● Навоий Давлат педагогика институтида Абдухалиқ Гиждувоний таваллудининг 900 йиллигига бағишланиб аллома меросининг маънавиятимиз тарихидаги ўрни мавзусида илмий-назарий конференция бўлиб ўтди.

● Сурхондарёда «Конституциямиз — бахтимиз пойдевори» мавзuidaги кўрик-танловнинг вилоят босқичи якунланди.

● Хатирчи туманидаги Ташмачи қишлоғида 2 минг ўринли ёпик спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди. Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Навоий вилоят бўлими ҳоимлик кенгаши қурилиш учун 18 миллион сўм маблағ ажратди.

● Қорақалпоғистон Республикасининг Қўнғирот тумани деҳқонлари давлатга шולי сотиш бўйича шартнома мажбуриятларини бажардилар.

● Қашқадарё вилояти, Яқкабоғ туманидаги пахта тозалаш заводида реконструкцияси ниҳоясига етди.

### Жаҳонда

● Associated Press агентлигининг хабар беришича, Вьетнам ва АҚШ маъмурияти авиаалоқани тиклаш борасидаги ўзаро келишув йўлида сазй-харакатларни маълумлашди.

● Куба АҚШнинг ушбу мамлакатда биологик қурол ишлаб чиқариш бўйича дастури амалга оширилаётгани тўғрисидаги айбномасини рад этди.

● Фаластин мухториятининг вақтинчалик ҳукумати шакллантирилди.

● Кеча саккизинчи космик экспедиция аъзолари Бойкўнғир космодромга халқаро космик станцияда учиб келдилар. Космик кеманинг парвози 18 октябрга мўлжалланган.

## Иқтисодиёт

РАҚОБАТБАРДОШ  
МАХСУЛОТЛАР

Бозор иқтисодиёти шароити талабларидан келиб чиққан ҳолда шахримиздаги корхоналар янгиллик интилан тарзда фаолият юритмоқдалар. Яъни, корхоналарга замонавий технологиялар келтирилиб, янгидан янги маҳсулот турлари ишлаб чиқарилмоқда. Бу эса ички бозоримизнинг сифатли, рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлишига имкон яратмоқда.

Шаҳримиздаги «Тошмаргё» акционерлик жамиятининг 1000 нафардан ортиқ ишчи-хизматчилари ҳам аҳолига манзур бўладиган озиқ-овқат маҳсулотларидан ҳидсизлан-тирилган ёғ, маргарин, провансал майонезларининг янада сифатли бўлиши йўлида ғайрат-шижоат-ла меҳнат қилмоқдалар.

Бундан 2 ой муқаддам жамиятнинг 62 фоиз акцияларини германиялик тадбиркорлар сотиб олишди. Шу кунларда корхонада хоржий шериклар — «Биглан инвестмент компани» билан ҳамкорликда кўплаб янгилликларга қўл урилмоқда. Масалан, 0,5 литр ҳажмли ҳидсизлантирилган ёғлар ҳозирда 2 марта филтёрдан ўтказилмоқда. Корхона лабораториясида ички бозоримизда мавжуд бўлган Туркия, Россияда ҳамда «Тошмаргё» жамиятида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар анализ қилинди. Олиб борилган текширувлар 200 граммли қадоқланган сутли маргаринлар таркибиде энг юқори — 67 фоиз ёғ борлигини кўрсатди, яъни маҳсулот кимёвий қўшилмаларсиз ва сифати яхши.

Корхона тадбиркорлари яқин кунларда 3 ва 5 литр ҳажмдаги идишларда ёғ ишлаб чиқаришни режалаштирган. Мазкур идишлар ҳам ўзимизда тайёрланади.

ХОРИЖЛИК-  
ЛАРГА ҲАМ  
МАЪҚУЛ

Ҳозирда нафақат чиройли, кўркам, сифатли, чидамли, балки экологик тоза маҳсулотларга ҳам талаб тобора ошмоқда. Уларни ишлаб чиқарадиган корхоналар сони ҳам шунга яраша кенгайиб бормоқда.

Шаҳримизда 1996 йилдан самарали фаолият юритаётган «GRINTEK» экологик корхонаси 20 турга яқин сувни тозаловчи, зарарсизлантирувчи дастгоҳ ва ускуналарни ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Уларнинг асосий қисмини FBK-1 филтёрлари, FBK-22 рўсумли сувни тозаловчи ҳамда зарарсизлантирувчи кичик тизимлар, IVK-2P туридаги электр кимёвий усулда сув ҳавзалари, фаворалар сувини тозаловчи ҳамда ўсимликлар ўсиб чиқишидан сақловчи ва бошқа кўплаб турдаги ускуналар ташкил этади.

Шу билан бирга, корхона маҳсулотлари нафақат ички бозорда, балки узок хорж — Жанубий Корея, АҚШ ва Германия давлатларига ҳам экспорт қилинмоқда.

Муҳаббат  
ҲАБИБУЛЛАЕВА

ИҚТИСОДИЙ ЯНГИЛАНИШНИНГ  
БОШ ОМИЛЛАРИ

Хусусий бизнес, шу жумладан, кичик бизнес бозор иқтисодиётининг асосий секторидир. Унинг ривожланишини рағбатлантириш зарурияти давлат даражасида бир қатор чора-тадбирлар қабул қилишни тақозо этади. Тадбиркорлик ҳуқуқини ҳимоялашни кучайтириш, бошловчи тадбиркорларнинг бошланғич айланма сармояларини шакллантириш учун моддий-технавий қарз ресурслари ва хусусан, имтиёзли кредитлардан фойдалана олишни таъминлаш муаммоларини ҳал қилиш шулар жумласидандир.

Кичик ва ўрта бизнесни, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш жамият ва давлат барқарорлигини таъминлаш, янги иш жойлари яратиш, импорт ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқаришни кучайтириш ва ички бозорни ҳалқ истеъмоли товарлари билан тўлдирдишга олиб келади. У мулкдорлар синфини шакллантириш имконини беради.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида бозор иқтисодиётига ўтилаётган бир пайтда кичик бизнесни кўллаб-қувватлаш ҳукумат сийсати даражасига кўтарилган.

Ҳозир иқтисодий ривожланган мамлакатларда кичик ва ўрта корхоналар ялпи ички маҳсулотнинг 50-62 фоизини беради. Шу билан бирга, аҳолининг 46-78 фоизи иш билан таъминланади. Ўзбекистонда ҳам ҳозирги кунда кичик бизнес мавқеининг ривожланиши кузатишмоқда. Кичик корхоналар ва ҳўжаликлар давлат ва кооператив мулкни хўсаиллаштириш асосида ва янги корхоналар очиб йўли билан ривож топмоқда. Ҳозир

улар кўпчиликини ташкил этади. Бинобарин, Ўзбекистонда рўйхатдан ўтган 24,9 мингта кичик корхона, 169,5 мингта микрофирмалар мавжуд бўлиб, бу ерда 600 мингдан зиёд киши иш билан банд этилган. Кичик бизнес имкониятларини эса унинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишга қўшган ҳиссаси билан ўлчаш мумкин. Кичик ва ўрта бизнес корхоналари ва ҳўжаликлари шароитга тез мослашиб ишлаб чиқаришни кенгайтириб бормоқда. Шу сабабли, уларнинг ялпи ички маҳсулотни яратишдаги ҳиссаси ортиб бормоқда. 1999 йили кичик ва ўрта бизнеснинг ялпи ички маҳсулотни яратишдаги ҳиссаси 12,4 фоиз бўлган бўлса, 2002 йили бу кўрсаткич 33,8 фоизни ташкил этган. Уларнинг мамлакат экспорт салоҳиятига қўшган ҳиссаси ҳам ошиб бормоқда. 2001 йили кичик корхоналар экспорти 51,7 долларни, микрофирмалар экспорти эса 53,7 миллион долларни ташкил этди. Кичик корхоналар истеъмол товарлари ва хизматларни яратишда ҳам катта ўрин эгаллайдилар.

Кичик бизнес иқтисодий янгиланишнинг бош омили ҳисобланса, хусусий сектор эркин бозор тизимининг таянчидир. Хусусий секторнинг иқтисодиётдаги салмоғи ва хусусий мулкнинг мавқеи иқтисодий эркинликнинг бош мезонидир. Ҳозир Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий мулкнинг салмоғи 50 фоиздан зиёд ва бу эркинлаштиришнинг асосий кўрсаткичи бўла олади.

Акмал ҲАСАНОВ,  
Муҳаббат АЛАУТДИНОВА  
Ўзбекистон Республикаси Молия  
департаменти ходимлари

## БОЛАЛАР СОҒЛОМ БЎЛСА

Болаларда нафас органлари касалликлари бугунги кунда долзарб муаммога айланиб бормоқда. Марказий Осиёдаги энг зич мамлакат Ўзбекистонда аҳолининг қарий ярмини ўн саккиз ёшга бўлганлар ташкил этади. «Болаларда ўткир респиратор касалликларини этиологияси, патогенези, даволаш ва олдини олиш борасида замонавий тасавурлар «мавзуидаги анжуманда шу ҳақда сўз юритилди. Анжуман «Солвей фарма» халқаро компаниясининг молиявий кўмагида республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ташкил этилди.

— Шу йил бошида болалар ўртасида респиратор касалликлар хуружи кучайди, буларнинг айримлари зотилжамга айланди. Болаларнинг кўпчилигига шифохонада даволанишга тўғри келди, — дейди «Она ва бола» маркази директори, Тошкент шаҳар бош педиатри Ҳабибулла Султонов «Туркистон-пресс» муҳбирига. — Бундай ҳолатда республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги вазиятни тўғри баҳолаб, «Солвей фарма» компанияси кўмагида барча педиатр ва шифокорларни умумий амалиётга жалб этишга қарор қилди. Анжуман ташкил этилиб унда ўткир респиратор касалликларининг олдини олиш ва даволашнинг замонавий усуллари хусусида маълумотлар берилди. Респиратор касалликлари бугунги кунда нафақат Ўзбекистон, балки бутун дунё муаммосига айланмоқда. Бу ўринда Россия Тиббиёт фанлари академияси болалар саломатлиги илмий марказининг етакчи мутахассиси Фёдоровнинг чиқишлари жуда фойдали бўлди. Ушбу марказда амалга оширилган айрим ишланмаларни биз ҳам амалиётда қўллашимиз фойдадан холи бўлмайди.

Х. Султоновнинг таъкидлашича, шунга ўхшаш анжуманларни Самарқанд, Бухоро ва Қорақалпоғистонда ўтказиш кўзда тутилмоқда.

«Туркистон-пресс» маълумоти: «Солвей фарма» халқаро кимё-фармацевтика концернининг йиллик айланмаси 8 миллиард еврони ташкил этади. Компаниянинг 400дан ортиқ филиаллари жаҳоннинг 60 та мамлакатиде фаолият кўрсатаётди. Компаниядаги ходимларнинг сони ўттиз мингга яқин бўлиб, улардан икки ярим минги фан соҳасида фаолият кўрсатади. «Туркистон-пресс»

## • БУНЁДКОРЛИК

## ЯНГИ ТЕННИС КОРТИ

Мамлакатимизда инсон саломатлигига, спортни ривожлантиришга қаратилган эътибор амалга оширилаётган кенг кўламадаги бунёдкорлик ишларида ҳам яққол аксини топмоқда.

Пойтахтимизнинг Хадра майдонида қурилиши ниҳоясига етаётган янги теннис корти тез кунларда фойдаланишга топширилади. Узунлиги 40 метр, эни 36 метрни ташкил этган ушбу теннис

кортини пойтахтимиздаги «12-трест» хиссадорлик жамиятига қарашли 50-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари қуришмоқда.

Айни кунларда бошқарманинг Тоир Дадахонов етакчилигидаги бригадаси бунёдкорлари кортдаги охириги пардозлаш юмушларини ҳам якунлаш арафасида.

— Ушбу теннис уйингоҳи ишқибозларга ажойиб совға бўлади, деган умиддамиз, — дейди бригадир Тоир Дадахонов. — Лойиҳада кўрсатилган барча қурилиш-юмушларини кўнгилдагидек сифатли бажаришда бунёдкорларимиз ўзига хос ғайрат кўрса-

Маълумки мустақиллигимизнинг 12 йиллик байрами арафасида Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона қўмитасининг Олий ҳарбий божхона институти очилганди. Ушбу Олий ўқув юрти нафақат мамлакатимизда, балки Марказий Осиё минтақасида ҳам божхона соҳасидаги биринчи Олий ўқув юрти ҳисобланади.

ТАНТАНАЛИ  
ҚАСАМЁД ҚИЛИШДИ

Олий ҳарбий божхона институтининг асосий вазифаси юқори малакали, ўз касб бурчига содиқ божхона хизмати ходимларини тайёрлаш, шунингдек, ушбу соҳанинг назарий ва амалий муаммоларини илмий жиҳатдан ўрганиш ва ҳал этишдан иборатдир.

Яқинда Олий ўқув юртида яна бир катта тантана бўлиб ўтди. Унда институтининг 1-курсга қабул қилинган 125 нафар тингловчилари ҳарбий ва божхоначи қасамёдини тантанали равишда қабул қилдилар. Тадбирга ташриф буюрган тингловчи ёшларнинг ота-оналари фарзандларининг эл-юртга хизмат, Ватанга содиқлик туйғуларни акс этган қасамёдини тинглаб, ғурур ва ифтихор ҳисларини туйдилар.

— Мен ўғлимнинг келажақда божхона соҳасида етук мутахассис бўлиб етишиб, халқимиз қорига ярайдиган инсон бўлишини чин дилдан истаيمان — дейди тадбир иштирокчиси Мунира Абдушохидова. — Институт ётоқхонасидаги шарт-шароитлар, тартиб-интизом мени қониқтирди.

Ҳақиқатан ҳам ушбу ўқув юртига ташриф буюрган кишида тингловчилар учун яратилган шарт-шароитлар катта таассурот қолдириши табиий. Айниқса, амалиёт мақдари учун ўқув кўргазмаларининг жонли фонда акс этгани муҳим аҳамиятга эга. Бу ҳақда ушбу институтининг «Маънавият ва маърифат» ишлари бўйича масъул ходими Бахтиёр Ҳайдаров шундай дейди: — Албатта, институтининг Марказий Осиёда ягона ҳисобланиб, ҳар жиҳатдан тақомиллашган. Ҳар бир ўқув хоналари замонавий ўқув жиҳозлари ҳамда компьютер билан таъминланган. Шунингдек, ўқув юртимиздан катта спорт зали ҳам ўрин олган. Мақсадимиз, малакали, жисмоний чиниққан, маънан етук мутахассисларни тайёрлашдир.

Орзуғул РУСТАМОВА.



тиши. Албатта, бу иншоот Хадра майдонида яна бир кўрк бўлиб қолади.

Дилноза ФИЁСОВА.  
СУРАТЛАРДА: қурилиш майдонида;  
бригадир Тоир Дадахонов.  
Ҳакимжон Солиҳов олган  
суратлар.

## ЎЗБЕКИСТОН-ҲИНДИСТОН: ҲАР ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИК

Жорий йилда ўзбекистонлик 31 нафар талаба Ҳиндистон кенгашининг маданий муносабатлар бўйича давлат дастури асосида нуфузли университетларида ўқишларини давом эттириш учун Ҳиндистонга жўнаб кетадилар.

Тошкентдаги Ҳиндистон маданият марказида ўтказилган матбуот анжуманида марказ директори Жозеф Вильсон Лобонинг журналистларга маълум қилишича, Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси ташаббуси билан танлаб олинган талабаларнинг барчаси ўқув юрларида таҳсил олишларини таъминлаш учун стипендиялар сони 31тага етказилди. Ўзбекистон Ҳиндистонда ўқийдиган талабалар сони жиҳатидан дунё давлатлари орасида биринчи еттилик таркибига қиради.

Д.В. Лобо кенгашининг маданий муносабатлар бўйича фаолияти хусусида сўзлар экан, Ҳиндистонда таҳсилни давом эттириш учун 100дан зиёд мамлакатнинг 1100 нафар фуқароларига стипендия берилганлигини айтди. Бундан ташқари, уларга яшаш, овқатланиш, китоб харид қилиш ва зарур бўлганда тиббий хизмат кўрсатилиши учун маблағ ажратилади.

Ўзбекистонлик йигит ва қизлар тадқиқот, бизнес, санъат, тарих соҳаси бўйича магистр ва бакалавр унвонларини олиш имкониятига эга бўлдилар. Улар Жаҳоҳларал Неру номидаги университет, Ҳайдарободдаги хоржий тиллар институти, Дехли, Пуни, Ҳайдаробод ва Бангалор университетларига ўқишга қабул қилиндилар, ҳинд тилини ўрганаётганларга эса алоҳида имтиёзлар берилди.

Ҳиндистон маданият марказининг директори "Туркистон-пресс" муҳбири билан суҳбатда бир талабага бир йилда ўртача 3 минг доллар сарфланишини маълум қилди. Шунингдек, марказ фаолиятига тўхталиб, бу ерда барча ҳоҳовчилар ҳинд тили, йог машғулоти, ҳинд рақслари ва мусиқа асбобларида чалишни бепул ўрганишлари мумкин. Марказнинг мамлакатларимиз ўртасидаги тарихий ва маърифий дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш учун саъй-ҳаракатларни амалга ошираётганини таъкидлади.

Хозирги кунда Ҳиндистонда 237 университет, 9700 коллеж мавжуд бўлиб, уларда йилга 7 миллион талаба таҳсил олади, олий таълим вазиблигининг махсус ўқув юрлари, техника ва менежмент институтлари бунга қирмайди.

Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги муносабатлар мустаҳкам дўстлик, ўзаро ишонч ва кўп томонлама ҳамкорлик асосларига қурилган бўлиб, сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳаларни ўз ичига камраб олган. Шу кунгача икки давлат ўртасида қирққа яқин давлатлараро шартнома ва битимлар имзоланди.

2000 йил май ойида Президентимиз Ислон Каримовнинг Ҳиндистонга қилган расмий сафари давомида Ўзбекистон билан Ҳиндистон муносабатларига оид Бош ҳужжат-Қўша декларация имзоланганидан сўнг ҳар икки мамлакат ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва дўстлик алоқалари янги поғонага кўтарилди.

Давлатимиз раҳбари Ислон Каримовнинг ташаббуси билан мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида, жумладан, суд-ҳуқуқ соҳасида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Ўртбошимизнинг шўро тузумидан қолган эски қолипдаги иш юритиш тартибидан воз кечиб, фуқароларни шафқатсиз жазолаш билан эмас, балки инсонпарварлик руҳида тарбиялаш асосида ҳуқуқий давлат қуриш зарурлиги хусусида бот-бот уқтириши бежиз эмас. Бу йўналишда мамлакатимизда собитқадамлик билан амалий чоралар кўриломоқда.

Президентимизнинг 2000 йил 6 сентябрдаги «Террорчи гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон фуқароларини жиноий жавобгарликдан озод этиш тўғрисида»ги Фармони шулар жумласидандир.

Демократик жараёнларни янада чуқурлаштириш, инсон манфаатлари устуворлигини таъминлашга қаратилган бу қадам барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, жумладан, прокуратура идоралари ходимларидан янада улкан масъулият билан иш олиб боришни талаб қилади. Бу инсонпарварлик сиёсатининг амалий ифодаси — мазкур Фармон талабларининг жойларда тўлиқ бажарилиши устидан прокурорлик назоратини янада кучайтириш бўйича эътиборга молик ишлар қилинмоқда.

Мамлакатимиз ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг террорчилик ва диний экстремизмнинг олдини олиш борасидаги фаолияти таҳлили бу борада талайгина ишлар амалга оширилганини кўрсатмоқда.

Жумладан, Бош прокуратура томонидан Ўзбекистон Республикасида диний экстремизм ва терроризмга қарши курашни кучайтиришга қаратилган тадбирлар дастури ишлаб чиқилди.

Бу йўналишда прокуратура, ички ишлар, миллий хавфсизлик хизмати ҳамда бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар биргаликда иш олиб бораётгани тўғрисидаги диний экстремизм ва терроризм билан боғлиқ жиноятлар сони йилдан йилга камаймоқда.

Шу билан бирга жойларда олиб борилаётган кенг қўламли тушунтириш ва тарғибот ишлари натижаси ўлароқ номи зикр этилган Фармон қабул қилингандан буён жами икки юздан зиёд фуқаро қилмишига пушаймон бўлиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга мурожаат қилди. Бу эса диний экстремизмнинг мақсади, реакция моҳияти, ҳақиқий ислом динига мутлақо зид эканини айрим ёшларимиз кеч бўлса-да, англаб етаётганидан далолатдир.

— Яқинда туманимиз ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарларининг диний экстремистик оқимлар сафига адашиб кириб қолган, хозирги кунда қидирувда бўлган фуқароларнинг ота-оналари, оила аъзолари билан учрашуви бўлиб ўтди, — дейди Тошкент шаҳридаги Мирзо Улугбек тумани прокурори Б.Қўноқбоев. — Чунки, қидирувда юрган фуқароларнинг кечирим сўраб келишида ота-оналари, қариндош-уруғларининг роли катта бўлмоқда. Таҳлилларга кўра, бу йўлга

кириб қолганларнинг пушаймонлик аризаси билан мурожаат этишининг асосий сабабларидан бири уларнинг ота-онаси ёки қариндошларига Фармоннинг моҳияти, қўлланиш тартиби тушунтирилганидир.

### • ФАРМОН ВА ИЖРО

## ИНСОНПАРВАРЛИК СИЁСАТИ САМАРАСИ

Ана шундай суҳбатлар натижасида қидирувда бўлган С.Икромов, В.Исма-туллаев, В.Қодирқулов яқинда ўз хоҳишлари билан кечирим хати ёзиб келгани боис, жиноий жавобгарликдан озод этилди...

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн йиллиги муносабати билан Амнистия тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг ўн йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Фармонларига мувофиқ диний экстремизм ва терроризм билан боғлиқ жиноятлар содир этган жами икки мингдан зиёд шахс жиноий жазодан озод қилинди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тегишли идоралар билан биргаликда олиб борган тадбирлар натижасида уларга тегишли моддий ёрдам кўрсатилиб, аксарияти эса иш билан таъминланди.

— Мен, дин ва динни никоб қилиб олган турли оқимлар ўртасидаги фарқни анча кеч тушуниб етдим, — дейди пойтахтимизнинг Ҳамза туманида яшовчи Д.Қобилов. — Нотўғри йўлга кириб қолганимдан ўзим ҳам, оила аъзоларим ҳам анча жабр чекдик.

2000 йил 13 март куни Сирдарё вилояти суди томонидан 4 йил 6 ойга озодликдан маҳрум этилдим. Бироқ, Президентимизнинг Амнистия тўғрисидаги Фармони жонимга оро кирди. Муддатидан уч йил олдин оилам бағрига қайтдим. Айна пайтда Тошкент Давлат авиация институтида катта лаборант бўлиб ишлаяман. Ниятим, яхши ишлаб, ўзимга ҳам, юртимга ҳам нафим тегса...

— Мен ҳам ёлгон ҳою-хавасга, кимларнингдир гапларига учиб адашган, тўғри йўл қолиб, нотўғри йўлдан юрганларданман, — дейди Собир Раҳимов тумани Мирзо Фолиб маҳалласида истиқомат қилувчи Ш.Тўраев. — Озодликдан маҳрум этилганимдан сўнг, кўзим очилди. Ўтган ҳаётимни ўйлар эканман, қилмишимдан қаттиқ пушаймон чекдим. Астойдил ният қилсанг, яратганинг ўзи

тўғри йўл кўрсатар экан. Юртбошимиз улкан бағрикенглик кўрсатдилар, авф этилдим. Уйга қайтгач, маҳалламиз раиси, фаоллар, профилактика инспектори беминнат ёрдам қилди, қўлимда гулдай хунарим борлиги учун ишга жойлаб қўйишди. Юртдошларимнинг бу ишончини оқламасам, яна нонқўрлик қилган бўламан!

Тўғри йўлдан адашганини кеч бўлса-да англаётган ва қилмиши учун Президент ва халқимиздан чин кўнглидан кечирим сўраётган бундай инсонларнинг номини яна кўплаб келтириш мумкин.

Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг яқиндагина қабул қилинган «Биринчи марта озодликдан маҳрум этишга судланган шахсларнинг жазо ўташ шароитларини либераллаштириш тўғрисида»ги Фармонини инсонпарварлик тамойилига амал қилишининг яна бир ёрқин намунаси сифатида айтиб ўтиш жоиз.

Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан суд-ҳуқуқ ислохотлари ва жиноий қонунчиликни либераллаштиришнинг навбатдаги босқичи жараёнида, унча оғир бўлмаган жиноят содир этиб, биринчи марта судланган шахслар озодликдан маҳрум этиш жазосини манзил-колониаларида, ўта оғир жиноят содир этиб, биринчи марта судланганлар эса — умумий тартибли колонияларда ўташлари мақсадга мувофиқ, деб топилди.

Шундай қилиб, унча оғир бўлмаган жиноятлар учун биринчи марта озодликдан маҳрум этилган шахслар жазони ўташ даврида оилаларидан деярли ажралмаган ҳолда, уларни нафақат моддий жиҳатдан таъминлаш, балки фарзандлари тарбиясида иштирок этиш имкониятига ҳам эга бўлади. Ўта оғир жиноятлари учун биринчи марта судланган шахслар билан тарбиявий ишларни олиб боришда жамоат ташкилотлари ва фуқароларнинг иштирок этиш имконияти ҳам кенгайтирилади.

Мустақиллик шарофати ва давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан том маънодаги инсонпарварликка асосланган тамойиллар рўйбга чиқди. «Жиноятчини шафқатсиз жазолаш лозим» қабилидаги эски қарашларга бутунлай чек қўйилди. Жиноий жазо сиёсати либераллаштирилиши, аввало, ҳуқуқий демократик давлат тамойилларига мувофиқ бўлишига йўналтирилгандир. Демократик жараёнларни янада чуқурлаштириш, инсон манфаатлари устуворлигини таъминлашга қаратилган бу қадам барчамиздан улкан масъулият талаб қилишини унутмаслигимиз зарур.

Беҳзод НОРБОЕВ,  
ЎЗА муҳбири.

## СПОРТЧИЛАРНИНГ ШИФО МАРКАЗИ

Мамлакатимизда спортчилар саломатлигини мустаҳкамлаш, улар учун махсус муолажаларни йўлга қўйишга эътибор кучайтирилмоқда. Ўзбекистон травматология ва ортопедия илмий-тектириш институти эса бу борада кўпгина ибратли тиббий тадбирларни амалга ошириб келмоқда.

Илмий муассасада ихтисослаштирилган спорт травматологияси марказининг ташкил топиши айна муддао бўлди. У мамлакатимиз спорт федерациялари ва терма жамоалари учун шифобахш муассасага айланди. Бу ерда спорт мусобақаларида, жисмоний тарбия машғулотларида

маълум сабаблар билан шикастланганларга малакали тиббий хизмат кўрсатилмоқда.

— Марказий Осиёда ягона ҳисобланган бундай Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат спорт қўмитаси, Республика Олимпиада қўмитаси муассасаларини ўзаро боғловчи бўлган вазифасини

адо этмоқда, — деди марказ раҳбари Темир Искандаров "Туркистон-пресс" муҳбирига. — Айна вақтда биз шикастланган нуронийлар, шунингдек, бундай муолажага муҳтож бўлган фуқаролардан ҳам ўз ёрдамимизни аямаймиз.

Т.Искандаровнинг таъ-

кидлашича, Тошкент шаҳар врачлар малакасини ошириш институти билан алоқа тўтайти ўқув курси машғулотлари йўлга қўйилди. Яқинда ўз фаолиятини бошлаган бу курс спорт шифокорлари, мураббийлари, ус-лубчилик, жисмоний тарбия ўқитувчилари малакасини оширишга қаратилган бўлиб, ортирилаётган бой тажирибаларни оммалаштиришда муҳим тиббий-таълимий аҳамият касб этмоқда.

"Туркистон-пресс"



Шарқ дурдоналари

**03-03 ҲУТГАНИЙ**  
**ДОМО БУЛДУ...**

● Лукмони Хакимнинг келиб чиқиши ва машъу намо топиши ҳақида тарихчилар ва таърихчилар жуда кўп нарсалар ёзишган. Унинг табаррук сўзларидан куйидагилар келтириладики, у ўз ўғлига насиҳат қилиб айтган эди:

— Эй ўғлим, сен доимо сабру чидамни ўзингга йўлдош қил, нафсинг куйига кирма, уни қийнашни энг улур йўл деб бил, топганинга қаноат қил, керагидан ортиқга топишга интилма, таомдан очу, ҳикматдан тўқ бўл. Одамларга кўполлик қилма, оғзингга нима келса гапираверма, аян шундагина сен турли хил балолардан омон бўласан. Одамлар сенга йўқ сифатлар билан сени мактаса алданма.

● Яхши ҳислат жаҳонда олий мартаба ва юксак даражага етакчидир. Аммо бунга етишиш воқеаси илм ва одоб бойлигидир. Байт:

**Илм саодатга йўлловчи**  
**машъал,**

**Жоҳиллик ўлимга**  
**бошлар ҳар маҳал.**

● Яхшилик қилган одамнинг миннат билан камситишга уринма, бировга ичирган нарсанинг миннат билан заҳарга айлантирма.

Хусайн воиз Кошифий айтиди:

— Гўзал феъл-атворнинг нишонаси 10 нарсадир: биринчи нишонаси — яхшилик; иккинчи — инсофли бўлиш, учинчи — бошқа одамдан айб қидирмаслик. Тўртинчи — бирор кишида ноҳўя ҳаракат кўрса уни яхши йўлга бошлаш; бешинчи — бир одам ўз айбига иқдор бўлиб узр этса ўзини қабул қилиш; олтинчи — бошқалар учун машаққатни ўз устига олиш; еттинчи — ўз манфаатининга кўзалмаслик; саккинчи — очик юзли, ширин сўзли бўлиш; тўққизинчи — муҳтожларнинг ҳолатини чиқариш; ўзинчи нишонаси мулойим ва тавозели бўлишдир.

Байт:

**Ҳаётда сен курашсанг**  
**фойда ё зиён учун,**

**Ҳайламагил ўзингни, дегил:**  
**“Бу жаҳон учун”.**

**Жонингни фидо қилиб ёрит**  
**ўзгалар уйин,**

**Шунда инсон бўласан,**  
**яшайсан инсон учун.**

Умар Хайём айтиди:  
— Дўстга ҳам душманга ҳам яхшилик қилиш яхшидир. Яхшилик қилишни ўзига одат қилиб олган ҳеч вақт ёмонлик қилмайди. Агар дўстингга ёмонлик қилсанг, у сенга душман, душманингга яхшилик қилсанг у сенга дўст бўлади.

Бир донишманд айтиди: — Ҳаққини, гўзал ахлоқ эгаси бўл, яхшилик қил, арамас, бузуқ йўлга асло яқинлашма, гўзал ахлоқинг билан ҳамманинг муҳаббатини ўзингга жалб қил. Хотин ва фарзандларингга меҳрибон бўл. Дўстларингга лутф-эхсон кўргаз, шу васиятларингга амал қилсанг ҳаётинг хушвақтлик билан кечади.

Олим ва донишманд Азиз ибн Мухаммад Насафий айтиди:

— Ҳаққини ва қомил инсон ёмон хислатлардан, маъвул ва марғуб бўлмаган хулқ-атвордан пок бўлади. Гўзал сифат ва ахлоқ билан ўзини ораста қилади. Халол меҳнат қилиб умр кечиради, ёмонлардан четлашади, яхшилар қаторидан жой олади. Ҳеч кимга озор бермайди, эл гулзори қариб берухсат биронта гул узмайди, камчиликларини кўрсатганларидан миннатдор бўлади. Бу фазилатлар инсоннинг ҳолис ва шижоати сабабчидир.

Кейинги пайтда турли минтақаларда, ер юзининг қайноқ нуқталарида юзага келаётган фавкуллода вазиятлар иқлимнинг ўзгариши туфайли рўй берадиган табиий бўҳронлар, сув тошқинлари, кўчки, зилзила ва энг ачинарлиси инсонлар ҳалокати каби табиий офатлар кишилар ақлини шошириб қўйиши ҳеч кимга сир эмас. Шу боисдан, 1987 йил 11 декабрь куни БМТ Бош Ассамблеясида 90-йилларни “Табиий офатларни камайтириш халқаро ўн йиллиги” деб белгилаш тўғрисида резолюция қабул қилинган эди.

БМТ ташаббуси билан табиий офатлар хавфини камайтиришга қаратилган халқаро тадбирларнинг ўтган ўн йиллик (1990-2000 йиллар)да ўтказилиши бутун дунё бўйича офатларни бартараф этиш учун биргаликда ҳаракат қилиш, унинг оқибатларини тугатишда ёрдам қўлини чўзиш, икжтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлашдек кўникмаларни ҳосил бўлишига улкан ҳисса қўшди.

— Ўзбекистон ҳудудининг етмиш фоизи сейсмик жиҳатдан фаол ерда жойлашган. Қолаверса, тоғ ва тоғодли туманларда сел келиш, кўчки, тошқин каби табиий хавфли ҳолатларнинг юзага келиш аҳтимоли юқори. Бундан ташқари, ҳозирда Ўзбекистонда техноген фавкуллода вазиятларни келтириб чиқариши мумкин бўлган саноят ҳам ривожланган, — деди

Тошкент шаҳар Фавкуллода вазиятлар бошқармасининг бошлиғи, полковник Эргаш Икромов “Туркистон-пресс” муҳбири билан бўлган сўхбатда. Фавкуллода вазиятлар вазирлиги юз бериши мумкин бўлган хавфли ҳолатлардан аҳолини огоҳ этиш, табиий офат оқибатларини бартараф қилиш ҳамда инсонлар ҳаётини сақлаб

ёрланди. Фуқаролар муҳофазаси ҳудудий тайёрлов марказларида 2000 дан ортиқ киши ўқитилди.

— НАТО ҳамда Евроатлантик маркази билан халқро ҳамкорлик доирасида табиий офатлар олдини олиш бўйича 28-30 апрелда 27 нафар давлат вакиллари иштирокида халқро ўқув машқлари бўлиб ўтди, — деди Э.Икромов сўзини давом эттириб. Ўзбекистон Куролли кучлари билан АҚШ Куролли кучлари Марказий қўмондонлиги ҳарбий муносабатлари доирасида “Кимёвий зарарли объектда рўй берган ҳалокатни бартараф этиш” мавзусида Луизиана штатида ФВВ вакиллари билан “IWER -2003” халқаро семинари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Фавкуллода вазиятлар вазирлиги кидирув-қутқарув тузилмалари вакиллари орасида ўтказилган мусобақа шартларига кўра зилзиладан вайронга айланган кўп қаватли бинолардан жабрланганларни махсус мосламалар ёрдамида хавфсиз жойларга олиб тушиш, уларга тез табиий ёрдам кўрсатиш машқлари намойиш этилди. Мусобақада Тошкент шаҳар Фавкуллода вазиятлар бошқармаси кутқарувчилари пешкадам бўлди. Чирчиқ шахридаги махсус тезкор ҳаракат отряди иккинчи ва Республика кўп тармоқли тезкор ҳаракат маркази кутқарувчилари учинчи ўринни эгаллашди.

“Туркистон-пресс”

**• ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ**  
**ҚУТҚАРУВ ТУЗИЛМАЛАРИ**  
**МУСОБАҚАСИ**

**Республика Фавкуллода вазиятлар вазирлиги ташаббуси билан Ўзбекистон Миллий боғида ўтказилган кидирув-қутқарув тузилмаларининг республика мусобақаси табиий офатлар хавфини камайтириш халқаро кунига бағишланди.**

қолишдек хайрли ишларни амалга ошироқда. Биргина 2003 йилнинг ўзида ФВВ махсус гуруҳи ҳамда қутқарув хизмати ходимлари амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида тўрт мингдан ортиқ тезкор амалиётни амалга оширди. Ўтган тўққиз ой ичида бошқарув таркиби ҳамда фуқаро муҳофазасини шакллантириш учун мамлакатда 41та йирик ва 397 та махсус услубий ўқув машғулоти ўтказилди. Фуқаролар муҳофазаси институтида мингга яқин юқори ва ўрта бўғин етакчилари тай-

Яқинда Сергели туманида ушбу ҳолатга оид масалалар юзасидан «Билимли истеъмолчи ҳар доим ҳақ» мавзусида туман фуқаролари иштирокида анжуман бўлиб ўтди.

Анжуманда «Истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»-ги қонун, унинг моҳияти, истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчиликнинг ўрни, истеъмол моллари хизматлари сифатини назорат қилишнинг долзарб масалалари, шунингдек, санитария ва эпидемиология назоратининг Республика истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Федерацияси билан ҳамкорликдаги вазифалари тўғрисида сўзга чиққан мутасадди ходимлар атрофлича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Шунингдек, анжуманда иштирокчилар томонидан берилган ҳар бир саволга ушбу соҳанинг мутахассислари мисоллар билан жавоб беришди.

Бундай фойдали анжуман кўпчилик фуқароларнинг ўз истеъмолчи ҳуқуқларини яхши англаб етишига яқиндан ёрдам берди, шунингдек бу тўғридаги Қонуннинг моҳияти нечоғлик катта аҳамиятга эгаллигини яна бир бор исботлади.

Орузгул РУСТАМОВА

**• АНЖУМАНЛАР**  
**БИЛИМЛИ ИСТЕЪМОЛЧИ**  
**ҲАР ДОИМ ҲАҚ**

Турмушимизда доимо иссиқ сув, совуқ сув ва газга эҳтиёж сезамиз. Эрталаб ишга кетиш олдиндан иссиққина чой ичиш учун тоза ичимлик суви жўмрагини буррайсиз. Кўрдингизки, жўмракдан сув чиқмаяпти, аммо сиз иссиқ сув, совуқ сув, газ, электр энергиясидан фойдаланганингиз учун маҳаллангиздаги уй-жой мулкдорлари ширкатига пул тўлаб келгансиз. Ёки маҳаллангизда ҳалигача чиқинди уюмлари тўпланиб ётибди, лекин сиз ҳар ойда бунинг учун ҳам пул тўлаб борасиз. Кўриниб турибдики, сизнинг истеъмолчи ҳуқуқларингиз ўз-ўзиндан бузилмоқда. Сиз ана шундай вазиятга ўз ҳуқуқингизни талаб қилишингиз лозим. Ёки сизга ёрдам керакми? Унда «Истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»-ги Қонунга муурожаат қилинг.

*Ёшлар — келажакимиз*

**ҲАМКОРЛИК**  
**ДАВОМ ЭТАДИ**


Шаҳримиздаги «Radisson SAS» меҳмонхонасида Ўзбекистонда 1998-2003 йиллар мобайнида ҳамкорликда олиб борилган ўқув соғломлаштириш дастурининг натижаларига ҳамда 2003-2008 йиллар давомида ушбу дастур бўйича шартномани узайтиришга бағишланган битимнинг имзолаши маросими ўтказилади.

Келажак авлоднинг саломатлигини таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофазаси қилиш, болаларнинг жисмоний, ақлий ва маънавий камол топиши учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида «Соғлом авлод учун» жамғармаси ва АҚШнинг «Procter & Gamble» компанияси билан ҳамкорлик шартномаси тузилганлигига олти йил бўлмоқда. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, «Соғлом авлод учун» жамғармаси ва «Procter & Gamble» компанияси ҳамкорлигида «Умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларига ва ёш оналарга мўлжалланган ўқув-соғломлаштириш дастурини тарғиб этиш, санитария-гигиена малакаларини ошириш борасида» 1998 йил 29 июлда 1998-2003 ўқув йилига мўлжалланган тўрт томонлама шартнома имзоланган эди. Ўтган пайт ичида ушбу

шартномага мувофиқ Ўзбекистон мактабларининг 400 минг нафар иккинчи синф ўқувчиси «Жозибодор табасум» дастури бўйича оғиз бўшлиги гигиенаси дарсларида қатнашди. «Балоғат дари» дастури бўйича 172 минг ўсмир қизлар билан машғуллар ўтказилди. «Соғлом тан — соғлом бола» дастури Тошкент шаҳридаги ўн учта ва етти та вилоят марказий туғруқхона комплексларида ўтказилди. Ҳар бир ёш оналар учун ўқув қўлланмалари берилди ва амалий ёрдам кўрсатилди. Ўқув қўлланмалари Соғлиқни сақлаш вазирлигининг мутахассислари ва Республика илмий-текширув педиатрия институти ходимлари томонидан кўриб чиқилган ва керакли ўзгаришлар киритилган. Туғруқхона неонатологлари ҳамкорлигида ушбу дастурда беш йил мобайнида 150 000 мингдан зиёд ёш она-

лар билан чақалоқларни парвариш қилиш, иммунизация жадавали бўйича соғломлаштириш машғулоти олиб боришди. Ушбу ўқув-соғломлаштириш дастурлари Ўзбекистон аҳолиси орасида кўтаринки руҳда қабул қилинганлигини инобатга олиб «Проктер энд Гэмбл» компанияси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси 2003-2008 йилларда ҳам ҳамкорликни давом эттириш тилагини билдирдилар ва Ўзбекистонда 2003-2008 йиллар учун ўқув соғломлаштириш дастурларини давом эттириш бўйича шартномага имзо чекдилар.

**Дилмурод ИСМОИЛОВ**  
**СУРАТДА:**  
**тадбирдан лавҳа**  
**Сергей Любичи**  
**олган сурат.**



**КАФЕДРА**  
**ДАРСЛИГИ**  
**ИНТЕРНЕТДА**

Экология фанидан яратилган электрон дарслик интернет тармоғига киритилди. Ўзбекистонда ilk бор чоп этилган бундай электрон ўқув қўлланма Тошкент тўққимачилик ва энгил саноят институтининг меҳнат муҳофазаси кафедраси педагог-олимлари изланиши натижаси ўлароқ юзага келди.

Кафедрада ўқув фанининг меҳнат муҳофазаси, фуқаро муҳофазаси йўналишлари билан бир қаторда экологик билимларга оид йирик тадқиқотлар олиб борилмоқда. «Меҳнат муҳофазаси» дарслиги эса касб-хунар коллежлари учун яхши совға бўлди. Бакалаврлар ўқув режасига мувофиқ ёзилган «Фуқаро муҳофазаси» дарслиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг мувофиқлаштирувчи кенгаши томонидан нашрга тавсия этилди.

Шунингдек, интернетдан шу йўналишдаги билимларга оид қўллаб-қувватлов рўйхати олинди.

— Бу борадаги изланишларимиз интернетда ўз сайтиимизни очиб заруратини юзага келтирди, — деди кафедра мудири Очил Қудратов «Туркистон-пресс» муҳбирига. — Экология электрон дарслиги ҳам шу тадқиқотларимиз натижалари ҳам шу сайт орқали оммалаштирилди.

**ЎЗБЕКИСТОН-ЕВРОПА ИТТИФОҚИ: ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА ҲАМКОРЛИК**

Брюссель шаҳрида иқтисодиёт, савдо ва сармо-ялар бўйича «Ўзбекистон-Европа Иттифоқи» кичик кўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси ва ЕИ ўртасидаги ўзаро савдо-сотик, Ўзбекистонда ЕИнинг иқтисодий фаолиятини жонлантириш, сарможий мухитни ривожлантириш бўйича тадбирларни ўтказиш, халқаро молия институтлари билан ҳамкорлик ҳамда Афғонистонни қайта тиклаш жараёнида томонларнинг бир-ликлдаги ҳаракатлари билан боғлиқ масалалар му-ҳокама этилди.

Европа томони иқтисодиётни ислоҳ қилиш, бозор иқтисодиёти талаблари асосида институционал ривож-ланиш, ташқи савдони эркинлаштириш, сарможий му-хитни такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон амалга оши-раётган саъй-ҳаракатлардан қониқиш ҳосил қилаётган-лигини билдирди. ЕТБнинг Тошкентда бўлиб ўтган йиллик йиғилишида изҳор этилган тавсияларнинг бажа-рилиши нақадар муҳимлигига эътибор қаратилиб, ЕИ билан Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим дои-расида мамлакатимизга ислохотларни чуқурлаштириш-га кўмак беришга тайёр эканлиги яна бир бор тасдиқ-ланди.

Европа томони Ўзбекистоннинг халқаро молия таш-килотлари, хусусан, Халқаро валюта жамғармаси билан мустаҳкамланаётган ҳамкорлик алоқаларини алоҳида қайд этди.

Айни пайтда Ўзбекистоннинг ташқи савдони эркин-лаштириш, хусусийлаштиришни чуқурлаштириш ва рес-публика экспорт салоҳиятини диверсификация қилишга қаратилган чора - тадбирлар ишлаб чиқиши Европа то-монидан юқори баҳоланди.

Фикр алмашиш жараёнида транспорт йўлакларини ривожлантириш масалаларини кўриб чиқиш билан бир-га, Афғонистон иқтисодиётини тиклаш, хусусан, Ўзе-бекистон Республикасининг ушбу мамлакат йўлларини таъ-мирлаш ва ирригация иншоотларини қайта қуриш лой-ихаларида ҳамкорлик ўрнатиш масалалари ҳам муҳо-кама этилди.

Божхона соҳасидаги ҳамкорлик масаласида тўхталиб, Европа томони Ўзбекистон томонининг муайян эҳтиёж-ларини инобатга олган ҳолда, республика божхона ва чегара хизматларини ривожлантиришга кўмак беришга ўзининг тайёригини яна бир қарра таъкидлади.

Умуман, томонлар Ўзбекистон эҳтиёжларини яхши-роқ тушунишни таъминлаш ва Европа Иттифоқи томо-нидан кўмак берилиши мумкин бўлган йўналишларни белгилаш мақсадида экспертлар даражасида мулоқот-ни давом эттириш ва алоқаларни мустаҳкамлаш зару-ратини эътироф этдилар.

«Жаҳон» АА

**• КЎРГАЗМАЛАР**

**КУЗ МАНЗАРАЛАРИ**

Ўзбекистон Бадий ака-демиясининг Марказий кўرғазмалар залида Ўзбеки-стонда биринчи марта «Ман-зарали дизайн. Куз-2003 йил» деб номланган кузги гул-лар кўрғазмаси очилди. Ушбу кўрғазмани Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «GAZON МАРКАЗИ» масъулияти чек-ланган жамияти ва Ўзбеки-стон Бадий академияси ҳам-корликда ташкил этдилар. Унда Голландиядан олиб ке-линган ва гул ҳаваскорлари парвариш қилган турли гул-ларни кўриш мумкин. Гул-ларнинг ранг-баранглиги, нафислиги кишини ҳайратга солади.

Айниқса, камёб гуллардан дра-цена, орхидея, антириум, спата-филиум ва шу кабилар кўрғазмага ташриф буюрувчиларда катта та-ассурот қолдирмоқда. Кўрғазма-дан «флористика» — яъни ҳар хил гуллардан композиция ясаш санъ-ати ҳам кенг ўрин олган.

Гулчилик соҳасига мансуб ҳар хил фирма ва дўконлар ҳам тад-бирда иштирок этишмоқда. Маса-лан «АРТ КЕРАМИК» дўкони, «АУДТ» савдо-уруғчилик ишлаб чи-қариш фирмаси шулар жумласи-дандир.

Бу ерга катта миқдорда катта-кичик туваклар, гулдонлар, гулчи-лик соҳасидаги ҳар хил китоблар келтирилган. Кўрғазма гуллар дунё-сининг яна бир саҳифасини кўрсатиб, инсоннинг маънавий дунёсини бойитиб, гўзалликка ошно этишга имкон яратди.

**Раҳматхон АКМАЛОВ**  
**СУРАТЛАРДА: кўрғазмадан ўрин олган экспонатлар. Муаллиф олган суратлар.**



**ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР**

**ДИҚҚАТ, АУКЦИОН!**

**Давлат Мулки кўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузури-даги «ROYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси 2003 йилнинг 14,21,28 ноябрь, 5,12,19,26 декабрь кунлари соат 11-00 да аукцион савдоларини ўтказди.**

**Савдоларга: Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани Ю.Охунбобоев 45-уйда жой-лашган «Тошкентвино» очик акциядорлик жамиятининг қуйидаги автотран-спорт воситалари:**

- 1973 йилда ишлаб чиқарилган ЗИЛ-130 русумли давлат белгиси 10АО 213. Бошланғич нархи 1 287 090,0 сўм.
- 1974 йилда ишлаб чиқарилган ЗИЛ-138А русумли давлат белгиси 66-33 ТНБ. Бошланғич нархи 1 287 090,0 сўм.
- 1971 йилда ишлаб чиқарилган ЗИЛ-130 русумли давлат белгиси 10АО 811. Бошланғич нархи 1 859 130,0 сўм.
- 1974 йилда ишлаб чиқарилган ЗИЛ-138А русумли давлат белгиси 10АО 400. Бошланғич нархи 1 859 130,0 сўм.
- 1988 йилда ишлаб чиқарилган ЗИЛ-138А русумли давлат белгиси 83-16 ТНБ. Бошланғич нархи 1 859 130,0 сўм.
- 1968 йилда ишлаб чиқарилган ЗИЛ-138А русумли давлат белгиси 66-30 ТНБ. Бошланғич нархи 1 859 130,0 сўм.
- 1969 йилда ишлаб чиқарилган ЗИЛ-138А русумли давлат белгиси 66-31 ТНБ. Бошланғич нархи 1 859 130,0 сўм.
- 1973 йилда ишлаб чиқарилган ЗИЛ-138А русумли давлат белгиси 65-69 ТНБ. Бошланғич нархи 1 859 130,0 сўм.
- 1969 йилда ишлаб чиқарилган ЗИЛ-138А русумли давлат белгиси 65-67 ТНБ. Бошланғич нархи 1 859 130,0 сўм.
- Банкрот деб эълон қилинган «Urol sanoat Palatasi» корхонасининг** 1999 йилда ишлаб чиқарилган ДАМАС русумли, давлат белгиси М 24-43. Бош-ланғич нархи 3 817 385 сўм.
- 1999 йилда ишлаб чиқарилган НЕКСИЯ русумли, давлат белгиси М 24-06, Бошланғич нархи 4 974 748 сўм.

**Ҳамда Тошкент шаҳри ҳудудидаги ер участкаларига узоқ муддатли ижа-ра ҳуқуқлари қўйилган**

Ер участкасининг маълуми.	Қурилиш кўла тўтилган иншоот	Ер участкаларининг сатхи, га	Бошланғич нархи, сўм
<b>Ахмад Ибраҳимов тумани</b>			
Х.Турсунқолов ва Б.Иноқатов кўчалари кесилишида	Савдо ва миний хизмат кўрсатиш мажмуаси	0,04	3 484 200
Х.Турсунқолов кўчасида, (4та)	Савдо ристан қўриш учун	0,015	5 525 300
Ширин кўчаси, 24-мавзела,	Савдо дўкони	0,028	2 532 920
Ширин кўчаси, 24-мавзела,	Савдо дўкони	0,043	3 457 520
Ширин кўчаси, 24-мавзела,	Савдо дўкони	0,0245	2 317 180
Ширин кўчаси, 24-мавзела,	Савдо дўкони	0,0395	2 687 020
Ширин кўчаси, 24-мавзела,	Савдо дўкони	0,037	3 087 680
Ширин кўчаси, 24-мавзела,	Савдо дўкони	0,037	3 087 680

Ширин кўчаси, 24-мавзела,	Автомобилларга хизмат кўрсатиш мажмуаси	0,06	4 505 400
<b>Сергей тумани</b>			
А.Ахметова кўчасида	Милъурий бино ва офис	0,06	4 491 600
А.Ахметова кўчасида	Хусусий инфофона	0,3	19 230 000
А.Ахметова кўчасида	Кичик мажмуалари	0,18	3 705 000
<b>Кўрсаткич тумани</b>			
12-мавзе, А.Донинн кўчасида	Савдо ва миний хизмат кўрсатиш мажмуаси	0,04	2 573 400
12-мавзе, А.Донинн кўчасида	Савдо ва миний хизмат кўрсатиш мажмуаси	0,04	2 573 400
13-мавзе, А.Донинн кўчасида	Соғломлаштириш мажмуаси	0,06	6 437 400
Лойиҳаддаги Мойқурон ва Ҳасанбой кўчалари кесилишида, (3та)	Савдо ва миний хизмат кўрсатиш мажмуаси қўриш учун	0,05	4 215 000
Мойқурон ва Тикланнн кўчалари кесилишида	Савдо ва миний хизмат кўрсатиш мажмуаси қўриш учун	0,10	6 009 000
<b>Собир Раҳимов тумани</b>			
Камарисо кўчасида	Савдо ва миний хизмат мажмуаси	0,05	5 592 000
<b>Чанозор тумани</b>			
16-мавзе, 2-қатортоғ кўчасида,(2-та)	Савдо ва миний хизмат мажмуаси қўриш учун	0,03	3 415 200

**Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннахр кўчаси, 16 «А» уйда ўтказилади.**

**Савдоларда қатнашиш учун аризалар қабул қилиш автотранспорт воситалари бўйича савдодан бир соат аввал, ер участкаларига узоқ муд-датли ижара ҳуқуқлари бўйича савдодан бир кун аввал соат 18-00 да тўхтатилади.**

**Савдода қатнашиш истагини билдирган талабгорлар автотранспорт воситалари бўйича объектнинг бошланғич нархидан 10 фоизи, ер участка-ларига узоқ муддатли ижара ҳуқуқлари бўйича 5 фоиз миқдоридаги за-калат пулларини тўлашлари шарт.**

**Закалат пуллари «Тошкентвино» ОАЖга қарашли автотранспорт воси-талари бўйича Давлат мулки кўмитаси Тошкент шаҳар Бошқармасининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Тошкент шаҳар бошқар-масининг ҳисоб-касса марказидаги, банк коди 00014, СТИР 200950435, 21508000800448035001 ҳисоб рақамига, қолган объектлар бўйича «ROYTAXT AUKSION» ДУК Уйжойжамғармабанкнинг Тошкент шаҳар бўли-мидаги, банк коди 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайдилар.**

**«ROYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси** 2003 йил 14,21,28 ноябрь кунлари аукцион савдоларини ўтказди. Савдоларга банкрот деб эълон қилинган Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани-да жойлашган «ТашДСК-1» акционерлик жамиятининг мол-мулклари, 1 230 151 000 сўм бошланғич нарх билан қўйилади.

**Савдолар соат 11-00 да бошланади. Савдо ўтказиладиган манзил: Тош-кент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннахр кўчаси, 16 «А» уйда ўткази-лади.**

**Савдода қатнашиш истагини билдирган талабгорлар объектнинг бош-ланғич нархидан 10 фоизи миқдоридаги закатал пулини «ROYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонасининг «Уйжойжамғармабанк» Тошкент шаҳар бўлимидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайдилар.**

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароун-нахр кўчаси, 16 «А» уй, 204-хона. Телефонлар: 133-23-40; 133-02-49.**

**СПОРТ**

**ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ БЎШ КЕЛИШМАДИ**

Чирчиқ шахрида Ўзбекистон ёқили-энергетика, биология ва кимё саноати уюмаси Марказий Кўмитасининг кўчма кубоги учун Мустақиллигимизнинг 12 йиллигига бағишланган VI спартакиада мусобақалари бўлиб ўтди.

Унда Тошкент шахри, Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятлардан таширф буюрган 500 нафардан зиёд соҳа ходимлари спортнинг мини-футбол, шахмат, шашка, стол теннис (эркаклар ва аёллар), волейбол (эркаклар ва аёллар) турлари бўйича ўзаро баҳс олиб боришди. Мурасасиз ва кескин курашларга бой ўтган турнир якунида шахмат бўйича эркаклар ўртасида тошкентлик Д.Хуснидинов, аёллар ўртасида қашқадарёлик С.Эргашева, шашка бўйича эркаклар ўртасида сирдарёлик А.Ортиқов, аёллар орасида ҳам сирдарёлик Д.Ортиқоваларга ғолиблик насиб этди. Воллейбол бўйича эркаклар ўртасида Фарғона вилояти жамоасига тенг келадиган рақиб топилмади. Тошкент шахри волейболчилари эса иккинчи ўрин билан кифояланишди. Аёллар ўртасида кечган воллейбол баҳсларида самарқандликлар биринчи ўринни кўлга киритишди.

Эркаклар ўртасидаги стол теннис баҳсларида фарғоналиклар бошқалардан маҳоратлироқ эканликларини исботлашди. Мини-футбол беллашувларида эса навойликлар ғолиблик шохсупасига кўтарилишди. Турнир якунида ғолиб ва совриндорлар совринлар ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

**ФАХРИЙЛАР ШИЖОАТ КЎРСАТИШДИ**

Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтини спорт мажмуида икки кун мобайнида республика фахрийлари иштирокида уюштирилган спартакиада мусобақалари мутахассислару мухлислар қалбида илик таассурот уйғотди.

Чуқки Тошкент шахри, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлар турнирларида сараланган фахрийлар спортнинг бадминтон, теннис, стол теннис, шахмат, баскетбол, волейбол ва мини-футбол турлари бўйича ғолиблик учун мурасасиз кураш олиб боришди. Ушбу мусобақаларнинг нафақат эркаклар, балки аёллар ўртасида ҳам ташкиллаштирилгани айниқса таҳсинга лойиқ. Энди мусобақа ғолиблари ҳақида тўхталадиган бўлсак, мини-футбол баҳсларидан ташқари спортнинг қолган турларида Тошкент шахри фахрийлари рақибларидан кучли эканликларини исботлаб, биринчи ўринни кўлга киритишди.

Фақатгина мини-футбол беллашувларидагина қашқадарёликларга ғолиб бўлиш насиб этди. Шунингдек, мусобақаларда Фарғона, Сирдарё жамоалари анча фаол иштирок этди. Турнир якунида спартакиада ғолиблари ҳамда совриндорларига эсдалик совғалари тўхфа этилди.

(Ўз мухбиримиз)

**БИРИНЧИ ЛУФАТ**

Биринчи шахмат лўфати 1825 йилда Барселонада босиб чиқарилган. У Хуан Де Ля Торре томонидан тузилган бўлиб, «Шахмат маълумотнома-си ва атамалар лўфати» деб номланган. Унда шахмат ўйини қоидалари ва унга оид атамалар изоҳи, тахтанинг тўла ва айрим катакчалари тасвири келтирилган. Масалан, асп (от)нинг бир катакчадан иккинчисига сакраб ўтиши лўфатда кўрсатилган.

**СЎНГИ ЮРИШ**

1795 йилда Франциянинг буюк шахматчиси Филидорнинг вафот этиши муносабати билан Лондонда чиқадиган «Уорлд» газетасида куйидаги хабар берилган:

«Ўтган душанба кuni дунёнинг машхур француз шахматчиси Филидор ўзининг сўнги юришини қилди.

**БИТМАС-ТУГАНМАС ЖУМБОК**


Аргентинаниннг ҳозирги замон ёзувчиси Хорхе Луис Борхес шахмат ўйинини бир-бирига ўхшаманган миллионлаб китобга яшириниб ётган имконияти чексиз, битмас-туганмас жумбоқли кутубхонага ўхшатади.

**Шахмат оламида**

**БЎЛҒУСИ ГРОССМЕЙСТЕР ЖАВОБИ**

Дунёнинг машхур гроссмейстери инглиз Жонатан Спилмэн болалигида кўпчиликнинг олдида бир руҳонийни гапга солиб шундай деган экан.

- Жаннатда шахмат борми?
- Рухоний ҳаяжонланиб жавоб берибди.
- Бўлмаслиги мумкин, ўғлим.
- Унда мени у ерга ҳатто олхўри пудинги билан ҳам алдаб киритолмайсизлар, — деб одамларни ҳайратга солган




экан. Ушанда бўлғуси гроссмейстер 9 ёшли, биринчи тоифали шахматчи эди.

**УЧ АСРНИ КЎРГАН**

Дунёда шахматчилар орасида энг узоқ умр кўрган Жейн Кэрью ҳисобланади. У уч аср юзини кўрган, яъни, 1779 йилда туғилиб, 1901 йилда оламдан ўтган. Бу ҳам ўзига хос рекордир.

**Анвар ИНОҚОВ, шахмат бўйича спорт усталигига номзод.**



**МАҲОРАТИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ**

- Оқлар бошлаб ютади.
- 1) 11-12 юришларга келганда қоралар таслим бўлади.
- 2) Оқлар бошлаб, тўрт юришда қораларни мот қилади.

**POYTAHT**  
**INFORM**  
132-26-44 132-26-45

**Кўнгил учун музика, мулоҳаза учун ахборот. Пойтахт ўз радиосини танлайди «Пойтахт-Информ».**

**ТАБАССУМГА МОЙИЛ ГАПЛАР**

- Қалтис ақлдан калта шим афзал.
- Қилмиши номақбул эканини ўгрининг ўзи ҳам билади.
- Ялқовликнинг илдизи — бекорчиликдир.
- Овқат келгандан сўнг қошиқ танлама.
- Яқдил фикр бўлмаган жойда баҳсга ҳам ўрин йўқ.
- Нарвонни фойдаланилаётганда тузатмайди.
- Барчага маълум нарсаларни гўё янглик деб кўрсатиш ўзига бино кўйганларнинг севимли машғулоти.
- Оқдй нарсани тушуниб бўлмайдиган қилиб тасвирлаш ахмоқнинг ақлигидир.
- Эзма нотиқ бир оёқда туриб сўзлагани маъқул.
- Чақирилган меҳмондан ёмонлик кутма.
- Имконият — воқелик мезонидир.
- Камбағал одамларда ҳам баъзан пул бўлмай қолади.
- Пессимизм — кўрқоқ оптимизмдир.
- Кимда ким сукут сақлашни билмаса, оғзи-га эҳтиёт бўлгани маъқул.
- Хушчақчақлик хушмуомаликнинг табиий мундарижасидир.

**БИР ЗУМДА**

Ҳайвонлар орасида эшакнинг унчалик обрўси йўқ экан. Нима бўлди-ю ювошлиги кўл келиб, у мансаблар поғонасидан бир-бир кўтарила бошлади. Ҳайвонлар бир пайт қарашаси, эшак амални, амал эса эшакни бузаётти. Бир зумда эшакнинг кавушини тўғрилаб кўйишди.

**ФОЛБИН**

Курбақа ҳайвонлар орасида об-ҳавонинг яхши бўлишини мен башорат қилганман, деб мақтаниб юраркан. Бир кун у ҳаво яхши бўлади, деган экан, ёмғир шаррос куйиб берибди.

Курбақа пинагини бузмабди.  
— Адашиш бизга ҳам хос, — дебди у.

**ДИРИЖЁР**

Ҳайвонлар хори ичида энг беўхшов куйлайдигани қарга эди. Ундан қандай қутулиш йўлини топишолмай, ҳайвонлар ахйир уни хорга дирижёр қилиб тайинлашди...

**ЎХШАШЛИК**

Яйловда ўтлаб юрган кўй кўзичогини зўр бериб ялаб-юлкай бошлади. Буни кузатиб турган бўри аччиқланиб деди:  
— Бу дунёда ҳақиқат борми ўзи?!  
Агар ҳозир кўйнинг ўрнида мен бўлганим-да эди, теримга сомон тиқишарди...



— Туғилган кунингга қандай балиқ тутиб келдим, қара.

**Абдуракул Ҳақимов чизган расм.**

**«КИЧИК ОЛИМПИАДА» ДАН УМИД КАТТА**

Мухлису мутахассислар томонидан «кичик Олимпиада» деб таъриф берилган Марказий Осиё ўйинлари илк бор Президент Ислам Каримов ташаббуси билан Халқаро Олимпия кўмитаси (ХОК) кўмагида Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркменистон, Қирғизистон ва Тожикистон спортчилари иштирокида 1995 йилда пойтахтимизда ташкил этилган эди.

Минтақадаги беш кўшни давлат спортчилари ўртасида ўзаро дўстлик, биродарлик, ҳамжихатлик каби умуминсоний қадриятларни мустаҳкамлашга хизмат қилиб келадиган мазкур мусобақага Тожикистоннинг бош шаҳри — Душанбе мезбонлик қилиш арасида турибди.

Бугун Душанбеда бошланжақ V Марказий Осиё ўйинларида Ўзбекистон терма жамоаси бокс, эркин кураш, юнон-рум кураши, дзюдо, таэквандо, теннис, ўқ отиш, енгил атлетика спорт турлари бўйича беллашувларда қатнашди. Шунингдек, халқаро спорт турига айланиб улгурган миллий қадриятларимиздан бири — кураш беллашувлари ҳам ўтказилади.

Медаллар учун курашда ҳар доимидек, боксчиларимизнинг имконияти юқори баҳоланмоқда. Айниқса, таркибда О.Мамажонов, Б.Султонов, Б.Хидиров, Д.Маҳмудов, Б.Сарсикбоев, Ш.Хусанов, И.Бердиев каби жаҳон ва қитъа чемпионлари, С.Михайлов ҳамда Р.Саидовдек Олимпиада ўйинлари совриндорларининг борлиги терма жамоамиз салоҳияти нақадар юқори эканини кўрсатиб турибди. Бундан ташқари, спорт делегациямиз таркибиде Д.Мансуров (эркин кураш), А.Чеглаков (юнон-рум кураши), енгил атлетикачилардан С.Войнов, Л.Перепелова, Г.Хуббиева, В.Смирнов, А.Журавлева сингари Афинада ўтажақ навбатдаги Олимпиада ўйинларига борадиган спортчилар ҳам бор.

ЎЗА

**Бош муҳаррир**  
**Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
хатар — 133-29-70;  
эълонлар:  
133-28-95, 132-11-39;  
факс: (3712) 133-21-56.  
Ҳажми — 2 босма табак объект  
уқулид босилади.  
3871 нуҳада босилади. Кўзга биринчи А-3

**Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.**  
**Нашр кўрсаткичи — 563**

Нашринг етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардан почта бўяларига еки «Тошкент почтамти» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.  
Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида термидан ва саҳифаланди.  
«Шарқ» нашриёт-матбаа ақшадорлик компанияси босмаҳонаси.  
Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.